

«Тўрт нарса Расулларнинг суннатларидан: ҳаё, хушбўй сепиш, мисвок ва никоҳ», дедилар».

Аҳмад ва Термизий ҳасан санад ила ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аллоҳ таолонинг Расуллари У зот яратган бандаларнинг энг сарасидирлар. Улар турли замонларда турли халқлар ичидан танлаб олинган етук инсонлар ҳисобланадилар. Пайғамбарлар Аллоҳнинг инояти ила илоҳий кўрсатмаларни бандаларга етказиб, уларни ҳаётга татбиқ қилишни кўрсатиб берган зотлардир. Уларни Аллоҳ таолонинг Ўзи турли хато ва гуноҳлардан сақлаб турган ва у зотларнинг ҳаётлари умматларига ўрнак бўлган.

Шунинг учун уларнинг суннатларига, хусусан, барчаларига хос бўлган суннатларга амал қилиш ҳар биримиз учун ўта муҳимдир.

Ушбу ҳадиси шарифда Одам алайҳиссаломдан тортиб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламгача – барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг суннатлари бўлган тўрт нарса ҳақида сўз кетмоқда:

1. Ҳаё.

Ҳаё инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган улуғ сифатлардан биридир. Ҳаё инсонга зийнат ҳисобланиб, у пайғамбарларнинг ҳаммаларига хос муштарак сифат бўлган.

Шунинг учун ҳар бир мўмин ҳаёли бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим. Аллоҳ хоҳласа, бу ўта муҳим сифат ҳақида «Ахлоқ китоби»да алоҳида сўз юритамиз.

2. Хушбўй сепиш.

Хушбўйлик кишига завқ беради, очиқ табиатлик, қувонч келтиради. Хушбўйлик инсон табиатига ижобий таъсир этадиган нарсадир.

Ислонда ҳар бир нарсанинг хушбўй бўлишига катта эътибор берилади. Сассиқ, қўланса ҳидни йўқотишга ҳаракат қилинади. Чунки бу барча Пайғамбар алайҳиссаломларнинг, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

3. Сивок.

Мукотаб – хожаси билан маълум бир вақтда маълум миқдор пулни бериб, озод бўлишга аҳднома тузган қул эканлигини «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг ўн иккинчи жузида, «Қул озод қилиш» бобида ўрганган эдик. Бу қанчалар улуғ ва савобли иш эканлигини таъкидлаб ўтирмасак ҳам бўлади.

Бировга сидқидилдан ёрдам бермоқчи бўлган одам аввало ана шундай, озод бўлишни чин қалбдан хоҳлаётган, бунинг учун жону дили билан уринаётган қулга ёрдам қилиши жоиз ва яхши эканлигини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

«Иффатни ирода қилган турмуш қурувчига».

«Ўз иффатимни сақлайин, жинсий майлимни пок йўл – никоҳ йўли билан қондирайин», деб уринаётган кишига ёрдам бериш ҳам худди қулликдан озод бўлишга ҳаракат қилаётган одамга ёки кейин баёни келадиган, жиҳодга чиқишга ҳаракат қилаётган одамга ёрдам беришдек зарур ва савобли ишдир.

Никоҳли бўлиб, иффатини сақлашга ҳаракат этаётган, аммо эриша олмаётган кишига ёрдам қўлини чўзиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг муқаддас бурчидир. Бундай одамга кимдир сўзи билан, кимдир хизмати билан, кимдир молу дунёси билан ёрдам бермоғи керак. Бу иш жуда ҳам улуғ савобга молик бўлиб, мусулмонлар қадимдан бу борада бошқа халқлардан ажралиб турганлар. Улар оила қуришга уринмаганларни оила қуришга ундаганлар, оила қуриш ниятидагиларга қўлларида келган ёрдамларини аямаганлар.

Бу ишларни худди мана шу ҳадисга амал қилиб, адо этганлар. Ҳозирги мусулмонлар ҳам бу борада ўз ихлос ва ғайратларини кўрсатишлари керак.

Баъзи юртларда бу иш мусулмонларнинг шахсий ҳаракати тариқасида амалга оширилаётган бўлса, бошқаларида оила қурувчиларга ёрдам жамиятлари тузилган. Нима қилиб бўлса ҳам, бу ишни хайрли санаб, жонлантирган афзал. Ана шунда ажру савобга эришилади.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди